# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) нинг сони 17797 тани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 127,2 фоиз ўсган.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо (27,8 фоиз), саноат (18,1 фоиз), қурилиш (12,2 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,8 фоиз), яшаш ва овқатланиш (8,1 фоиз) ва бошқа тармоқларда ташкил этилган.

**2019 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши**

***(фоизда)***



2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 810,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 23,6 фоизи) ёки 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 104,6 фоизни ташкил қилди;

- 1668,2 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 104,4 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,4 фоизи) ташкил қилди;

- 530,7 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 34,7 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 117,0 фоизини ташкил қилди;

- 479,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,3 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь- мартига нисбатан ўсиш суръати 141,1 фоизни ташкил қилди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 104,3 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 83,6 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- 1214,3 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмининг 70,4 фоизи) 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 105,7 фоизини ташкил қилди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 81,0 фоизи ёки 1543,4 млрд. сўми (ўсиш суръати 100,4 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди.

- 40,7 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 66,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 21,8 млн.АҚШ долларги ёки 2,2 м.к., мос равишда 102,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 44,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди, бу эса 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 45,1 млн.АҚШ долларги ёки 178,3 фоизга кўпдир.

**2019 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши**

| | *Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм* | *Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида* |
|---|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1668,2 | 100,0 |
| Саноат | 810,7 | 23,7 |
| Қурилиш | 479,4 | 79,3 |
| Чакана савдо | 1191,4 | 77,2 |
| Юк ташиш, *млн тн.* | 10,1 | 50,2 |
| Йўловчи ташиш, *млн.киши* | 66,8 | 79,8 |
| Экспорт, *млн.АҚШ долл.* | 0,3 | 0,7 |
| Импорт *млн. АҚШ долл.* | 1,8 | 1,7 |

**Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши**

**(*умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда*)**

Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Бухоро шахри (197,4 млрд.сўм), Когон тумани (94,4 млрд.сўм), Гиждувон тумани (91,8 млрд.сўм) ва Вобкент тумани (90,5 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Когон шахрида (23,2 млрд.сўм), Пешку (20,9 млрд.сўм) ва Қоровулбозор туманида (9,6 млрд.сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми Гиждувон (341,1 млрд.сўм), Бухоро (220,9 млрд.сўм), Пешку (186,5 млрд.сўм), Қоракўл (184,1 млрд.сўм) ва Жондор (177,1 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Когон (0,8 млрд.сўм) ва Бухоро шаҳарларида (22,2 млрд.сўм) ва Вобкент туманида (64,7 млрд.сўм) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми ва ўсиш суръати**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Бухоро шахри (449,3 млрд.сўм), Ғиждувон (272,0 млрд.сўм), Қоракўл (178,3 млрд.сўм), Ромитан (113,3 млрд.сўм) ва Жондор (95,9 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Олот туманида (37,3 млрд.сўм), Пешку (27,8 млрд.сўм) ва Когон туманида (22,9 млрд.сўм) чакана товар айланмаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Бухоро шахри (563,7 млрд.сўм), Ғиждувон тумани (174,0 млрд.сўм), Бухоро тумани (61,5 млрд.сўм), Коган шахри (54,5 млрд.сўм), Ромитан (54,0 млрд.сўм) ва Вобкент (53,6 млрд.сум) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати**



**2019 йил январь-мартида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий тармоқлардаги ҳудудлар бўйича улуши,фоизда**

| | *Саноат* | *Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги* | *Инвестиция* | *Қурилиш* | *Чакана савдо* | *Хизматлар* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Бухоро вилояти** | **23,6** | **99,4** | **34,7** | **79,3** | **81,0** | **70,4** |
| Бухоро ш. | 53,7 | 94,5 | 43,6 | 90,4 | 66,6 | 55,5 |
| Когон ш. | 12,6 | 100,0 | 9,2 | 60,8 | 94,3 | 88,0 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Олот | 36,1 | 99,9 | 17,4 | 55,8 | 97,8 | 97,0 |
| Бухоро | 52,1 | 99,9 | 69,7 | 96,5 | 98,7 | 97,6 |
| Вобкент | 100,0 | 99,9 | 59,3 | 100,0 | 68,9 | 93,1 |
| Ғиждувон | 43,8 | 97,8 | 88,7 | 100,0 | 80,6 | 95,0 |
| Когон | 98,3 | 98,9 | 66,7 | 88,9 | 70,5 | 90,2 |
| Қоракўл | 36,1 | 100,0 | 74,5 | 86,1 | 94,7 | 98,9 |
| Қоровулбозор | 0,6 | 99,9 | 87,9 | 8,1 | 94,5 | 36,6 |
| Пешкў | 23,8 | 99,9 | 89,4 | 100,0 | 97,6 | 93,9 |
| Ромитан | 13,9 | 99,9 | 6,8 | 64,4 | 98,3 | 95,5 |
| Жондор | 26,7 | 99,9 | 87,9 | 100,0 | 97,2 | 94,1 |
| Шофиркон | 59,4 | 100,0 | 82,4 | 100,0 | 97,2 | 93,5 |

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Вобкент (100,0 фоиз), Когон (98,3 фоиз), Шофиркон туманларида (59,4 фоиз), Бухоро шаҳрида (53,7 фоиз), Бухоро (52,1 фоиз) ва Ғиждувон туманларида (43,8 фоиз) ташкил этади.

Инвестицияда энг юқори улушларни Пешкў (89,4 фоиз), Ғиждувон (88,7 фоиз), Қоровулбозор (87,9 фоиз), Жондор (87,9 фоиз), Шофиркон (82,4 фоиз) ва Қоракўл туманлари (74,5 фоиз) ташкил этади.

Қурилишда Вобкент (100,0 фоиз), Ғиждувон (100,0 фоиз), Пешкў (100,0 фоиз), Жондор (100,0 фоиз) ва Шофиркон (100,0 фоиз) туманлари ташкил этади.

Чакана савдода Бухоро (98,7 фоиз), Олот (98,7 фоиз), Ромитан (98,3 фоиз), Пешкў (97,6 фоиз) ва Жондор (97,2 фоиз) туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Қоракўл (98,9 фоиз), Бухоро (97,6 фоиз) ва Олот (97,0 фоиз) туманлари ташкил этади.

2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 60,3 фоизни ташкил қилди (2018 йилнинг январь-мартида (67,4 фоиз). ЯҲМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (***умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*



Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 йил 1-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 170 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, курилиш соҳасида респондентларнинг 33,4 фоиз иқтисодий вазиятни – кулай ва 33,3 фоиз эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 45,0 фоиз ва 44,0 фоиз, хизматлар соҳасида – 34,3 фоиз ва 45,7 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 31,2 фоиз ва 25,0 фоиз, саноатда – 34,3 фоиз ва 36,8 фоизни ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 28,9 фоиз, қурилишда – 33,3 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 43,8 фоиз, хизматларда – 20,0 фоиз ва савдода – 11,0 фоизни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш**

**2019 йил I-чорак учун, фоизда**




**Иқтисодий вазият яқин уч ойда** қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яхшиланиш 62,4 фоиз, ўзгаришсиз 18,8 фоиз , ёмонлашиш 18,8 фоиз , саноат корхоналари яхшиланиши 73,7 фоиз , ўзгаришсиз 23,7 фоизи, ёмонлашиш эса 2,6 фоизни, савдо – яхшиланиш 75,8 фоиз , ўзгаришсиз 22,7 фоиз , ёмонлашиш 1,5 фоиз , хизматларда яхшиланиш 77,1 фоиз , ўзгаришсиз 14,3 фоиз , ёмонлашиш 8,6 фоиз , ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 66,7 фоиз , ўзгаришсиз 33,3 фоиз кутилмоқда.

**Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда**




Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.